

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Н.Матхошимов, Э.Исаков Фарғона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси.....	203
А.Шерматов, А.Юсупова Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари.....	210
О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари.....	213
Х.Лутфуллаева Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўникмалари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти.....	217
И.Асқаров, Д.Ҳожиматова Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш.....	222
А.Шарафиддинов Фарғона водийси қишлоқларида халқ ғалаёнлари (XIX аср охири)	226
А.Ғаниев Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари.....	230
Х.Мухаммедова Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири.....	233
Х.Хаитов Фолчи ёки ромчи – қулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири.....	236
Г.Умаржонова Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шаклланиши.....	239
Л.Ғалимуллина Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик birlikларнинг қиёсий таҳлили.....	242
И.Аҳмаджонов Морфемик birlikларнинг вазифасига кўра таснифланиши.....	245
М.Саидакбарова Мангуликка дахлдор сўз.....	249
Д.Қаландарова Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси.....	252
И.Жўраев Бурч ва масъулиятнинг бадий-фалсафий талқинлари.....	256
Ф.Анварова, Н.Тоирова Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар	259

**ЖАМИЯТНИНГ ТУРЛИ ТАБАҚАЛАРИ НУТҚИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ЖАРГОНЛАР
ЖАРГОНЫ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ В РЕЧИ РАЗЛИЧНЫХ СЛОЁВ ОБЩЕСТВА
JARGONS USED IN THE SPEECH OF DIFFERENT CLASSES OF SOCIETY**

Анварова Ферузабону Анвар қизи¹ Тоирова Наргиза Исаковна²

¹**Анварова Ферузабону Анвар қизи**

– Фаргона давлат университети талабаси.

²**Тоирова Наргиза Исаковна**

– Фаргона давлат университети, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD),

Аннотация

Мақолада жаргонлар ҳақида қисқача тасниф берилади ҳамда турли табақа вакиллари томонидан жаргонларнинг ишлатилиши кўриб чиқилади.

Аннотация

В статье дается краткая классификация жаргонов, также рассматривается использование жаргона представителями разных классов.

Annotation

This article gives a brief classification of jargons. The use of jargon by representatives of different classes is also considered.

Таянч сўз ва иборалар: жаргонлар, арголар, жамият, илмий маъно.

Ключевые слова и выражения: жаргоны, арго, общество научное значение.

Key words and expressions: jargons, argots, society, scientific meaning.

Мустақиллик давридан тилга бўлган эътибор кучайгач, унинг турли бўлимларини ўрганишга бўлган ҳаракат ва истиқболлар ҳам кучайди. Шу ўринда она тилимизга хос бўлган жаргонлар таҳлили кўйида муҳокама қилинади.

Жаргон французча “бузилган тил” маъносини англатади. Жаргон ва арголар асосан сўзлашув нутқида ва бадиий адабиётда, тарихий асарларда, фелъетонларда воқеликни тўлароқ акс эттириш учун ишлатилади. Демак, “Айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан яратиб, умумхалқ тилидан фарқ қиладиган дабдабали сўз ва иборалар жаргонлар”, дейилади.

Сўзлашув нутқида хосланган жаргон ва арго сўзларнинг гапдаги вазифалари ва ишлатилиши хусусиятларига кўра сўзлашув нутқида хосланган бошқа сўзлардан фарқ қилади. Бундай сўзларда сўзловчининг тингловчига бўлган ички яширин муносабати намоён бўлади. Сўзлашув нутқида хосланган жаргонлар синфий айримликларни кўрсатиб берадиган юқори табақа вакиллари ва айрим гуруҳдаги кишилар учун тушунарли бўлиб, бошқалар учун маълум маънода тушунарли бўлмаган сўз ва иборалардир. Утмишда халқни эксплуатация қилувчи синф вакиллари, сарой доирасига мансуб бўлган юқори мансабдорлар, савдогарлар, дин аҳли, қаландар ва маддоҳлар, халқни алдаб юривчи гадойлар, ўғрилар ва бошқа фирибгарлар ўз ниятларини халқдан яшириш мақсадида ўзлари учунгина тушунарли бўлган сўзлар ва иборалардан фойдаланганлар. Бундай сўзлар кўпроқ форс-тожик, араб тилларига оид бўлиб, улар товуш томонидан ҳам, маъно томонидан сунъий равишда ўзгартирилгандир.

Хотин-қизлар нутқида қўлланилувчи жаргонлар. Ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаётган ҳар бир гуруҳ кишиларининг ўзаро сўзлашув нутқида қўлланилувчи жаргонлари бўлганидек, хотин-қизларнинг нутқида ҳам фақатгина уларнинг ўзларигагина тушунарли бўлиб, бошқа кишилар учун тамомилан тушунарсиз бўлган жаргонлар ҳам мавжуддир. Хотин-қизлар нутқида қўлланилувчи жаргонларни уларнинг ўзаро сўзлашув нутқларида қўлланилиши ва англатган маъноларига қараб турли гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Қўли эгри, ғийбатчи хотин-қизлар нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

Масалан, -Нима ҳақида бўларди, **шпионлар** ҳақида. (С.Аҳмад).

-Овсинимнинг **холис хизматкорлигини** ҳамма биларди-ю, лекин бетига айтишга ийманар эдилар.

2. Ёмон йўлга юрувчи хотин-қизларнинг нутқида қўлланилувчи жаргонлар.

Масалан, -Нима ҳам қилар эдим, шундан кейин **саёҳатчи** аёлларга қўшилди. (“Шарқ юлдузи”).

-Аста-аста маҳалла-қўй ҳар куни **янги кино** қўйишимни сеза бошлади. Улар мени кўрганларида жиркангандай афтларини буриштирар эдилар. (Э.Райим).

-Қумрининг ҳар куни раиснинг боғида **сайрашини** биламан. (Н.Қобул).

-Ҳа, шундай бўлди. Ота-онасининг гапига кўнмади, бир **олқиндини** топиб кетди. Ота-онадан, оға-инидан маҳрум бўлди. (Н.Қобул).

Келтирилган мисоллардаги саёҳатчи сўзи ёмон йўлга юрувчи маъносида, **боғида сайрамоқ** сўз бирикмаси ҳам ёмон йўлга юрувчи маъносида, **олқинди** сўзи (аслида бўлак, совурнинг қолдиғи) бу ўринда ёмон йўлга юрувчи аёл маъносида, **шпион** чақимчи, айғоқчи маъносида, холис хизматкор эса ғаламис маъносида келган.

Талабалар ва ўқувчиларнинг тилида қўлланилувчи жаргонлар. Маълумки, тил тарихи халқ тарихи билан боғлиқ ҳодиса. Агар халқ тарихида маълум ўзгариш юз берса, бу ҳол тилда ҳам ўз аксини топмай қолмайди. Шунинг учун турли даврларда турли сўзлар пайдо бўлади, айримлари замон талаби билан истеъмол доирасидан чиқиб кетади, айрим сўзлар янги маъно касб этади. Аслида жаргонлар ҳам ўзбек тилининг луғат фондида мавжуд бўлган сўзлар гуруҳини ташкил этади. Бундай гуруҳдаги сўзлар ичида турли сўзларни учратиш мумкин. Тилдаги бундай сўзлардан турли кишилар турли мақсадларда фойдаланадилар. Демишки, маълум гуруҳлар ана шу мавжуд сўзлардан бошқа маънода, яъни ўз мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Кейинги пайтларда ижтимоий шароит тақозоси билан бошқа кишилар нутқида бўлгани каби талабалар нутқида ҳам қатор жаргонлар пайдо бўлди. Талабаларнинг сўзлашув нутқида қўлланилувчи жаргонларни ҳам фақат ўзларигина эмас, бошқалар ҳам тушунадилар. Талабалар нутқида қўлланилувчи жаргонларни ҳам қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Талабалар нутқида синов ва имтиҳонлар билан боғлиқ бўлган жаргонлар.

Масалан, “пили сурот”, “йигитнинг баҳоси”, “думдил баҳо”, “пўстаги қоқилмоқ”.

2. Талабалар нутқида уларни ҳимоя қилувчи шахслар учун қўлланиладиган жаргонлар: танк, жигар, ҳамтовоқ, бульдозер, қанот, тоға.

Афсуски, жаргонлардан кенг фойдаланиш кўп ҳолларда киши нутқининг бузилишига, унинг равон бўлмаслигига олиб келади. Шунингдек, адабий нутқнинг софлигига ҳам жаргонлар сабаб путур етиши мумкин. Адабий нутқнинг софлигига путур етказувчи белгиларга диалект сўзлар, аргон ва арголар, пичинг, ҳақорат сўзлар, ўринсиз ишлатилган турли такрорларни, ноўрин ишлатилган чет элсўзларини киритиш мумкин.

Нутқий жаргонлар синфий фарқлар бўртиб айрим табақа вакиллари ёки айрим кишилар учун хос бўлиб, бошқалар учун эса тушунарсиз сўз ва иборалардир. Кундалик нутқда ишлатилувчи бундай жаргонлар ўзларининг вазифаларига кўра бир неча гуруҳларга бўлинади. Улар сарой, оқсуяклар, руҳонийлар, савдогарлар, бойлар, шунингдек, бошқа яқка шахслар томонидан ҳам топилган бўлиши мумкин. Нутқдаги бундай жаргонлар умумхалқ учун тушунарли бўлмаган форсча, арабча, кейинчалик русча сўзлардан ҳосил қилинган. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, фан ва техниканинг тараққиёти, таълим-тарбия самарадорлигининг ошиши, маданиятнинг кундан-кун ўсиб бориши натижасида жаргонлар, арголар аста-секин истеъмолдан чиқади ва барҳам топади, деб умид қилинади.

Адабиётлар:

1. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўқитувчи, 1982.

2. Турсунпўлатов М. Лексика узбекской разговорной речи. – Т.: Фан, 1986.

3. Усмонов С. Ўзбек тили. –Т., 1977.